Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

6 апрель, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 68 (1321)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатлар Бош Вазирлари Кенгашининг Тошкентда ўтадиган навбатдаги мажлисида қатнашиш учун юртимизга ташриф буюрган Қозоғистон Бош вазири Акежан Кажегелдин ва Қирғизистон Бош вазири Аппас Жумағуловни қабул қилди.

Ислом Каримов ягона иқтисодий макон яратиш ҳақида уч қардош мамлакат раҳбарлари имзолаган шартномада белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишида Бош Вазирлар Кенгаши муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Сўнгги пайтларда собиқ иттифоқ ҳудудида рўй бераётган жараёнлар Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликка ҳеч қандай салбий таъсир этолмаслигини, зеро, ўзбек, қозоқ ва қирғиз халқларини боболардан мерос минг йиллик қардошлик ришталари мустаҳкам боғлаб турганини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари алоқа тармоқлари туташлиги, энергетика манбаалари, сув заҳиралари, бозорларимиз умумийлиги, қолаверса тил ва дил бирлигини уч қардош мамлакат ўртасидаги иқтисодий интеграцияни тақозо этувчи омиллар сифатида санаб ўтди. Шу боис ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартнома Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон халқлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Айни пайтда ушбу шартнома асосидаги ҳамкорлик Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда. Хусусан, мамлакатларимизни иқтисодий интеграциялашнинг 2000 йилгача бўлган дастури асосида фаол иш олиб борилмоқда.

Президент Ислом Каримов шартнома доирасида амалга оширилган ишларга ижобий баҳо берар экан, ҳали мавжуд имкониятлардан тўла, яъни халқларимиз кутган даражада фойдаланилмаётганига эътиборни қаратди. Бош вазирлар Кенгашининг Тошкентдаги мажлисида ана шу улкан имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида тадбирлар белгиланишига ишонч билдирди.

Қозоғистон Бош Вазири Акежан Кажегелдин ва Қирғизистон Бош вазири Аппас Жумағулов Марказий Осиё ягона иқтисодий маконини яратиш ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатлар Бош Вазирлар Кенгаши Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон халқларининг азалий дўстлиги, бирлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилишини таъкидладилар.

Учрашувда, шунингдек Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Америка Қўшма Штатларининг НАТОдаги доимий вакили, элчи Роберт Хантер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, АҚШ миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи мазкур халқаро ташкилот билан алоқаларни ривожлантириш учун имкон яратишини айтди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари Содиқ Сафоев, Бахтиёр Ғуломов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва мудофаа вазири Рустам Аҳмедов иштирок этди.

Қабулда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

* * *

Шу куни АҚШнинг НАТОдаги миссияси аъзоларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Мудофаа вазирликларида ҳам бўлиб, музокаралар ўтказдилар.

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**Р. Нуритдинов олган суратлар.**
**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИДА

5 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Мажлисда Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясини чақириш тўғрисидаги масала ва сессия кун тартиби кўриб чиқилди. Парламент сессиясини шу йил 25 апрель куни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Сессияга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун Олий Мажлиснинг 23 нафар депутатидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров гуруҳ раҳбари этиб тайинланди.

Депутатлар ишчи гуруҳи зиммасига юкланган вазифаларни оператив тарзда ҳал этиш учун унинг таркибида учта кичик гуруҳ тузилди. Улар сессия материалларини тайёрлашга доир масалалар ҳамда ишларни оммавий-ахборот воситаларида ёритиш билан; сессия котибияти ҳамда овоз бериш тизими ишини таъминлаш, ахборот-маълумот ишини ташкил этиш масалалари билан; депутатлар нормал фаолият кўрсатишлари учун зарур шароитлар яратиш масалалари билан шуғулланиши белгилаб қўйилди. Кичик гуруҳларга депутатлар Э.Воҳидов, Ж.Ўтамов ва Г.Йўлдошева раҳбар этиб сайландилар.

Шундан сўнг мажлисда Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотини янада ривожлантириш дастури тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда Ўзбекистон адлия вазири С.Мирсафоев ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Н.Исмоилов, республика Олий суди раиси У.Мингбоев, Олий хўжалик судининг раиси М.Абдусаломов, республика бош прокурори Б.Мустафоевнинг ахборотлари тингланди. Дастур республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мустақил давлатимизда таркиб топган суд назариёти ва амалиёти халқаро доирада эътироф этилган қоидалар принципларига мос келишига қаратилгандир.

Кенгаш аъзолари дастурни талабчанлик билан муҳокама қилдилар. Унга доир қатор таклифлар ва тузатишлар тавсия этдилар. Кенгаш ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б.Эшонов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисдаги вакили Ҳ.Абдураимов иштирок этдилар.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 1996 йил 25 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 апрель

* * *

Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси иккинчи қисмининг лойиҳаси (биринчи ўқишда).
2. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
3. Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
4. Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
5. Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
6. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
7. Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
8. Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда).

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***5 апрель куни Тошкентда Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномани имзолаган давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Бош Вазирлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисни Бош Вазирлар Кенгаши Раиси, Қозоғистон Бош вазири А.Кажегелдин бошқарди. Дастлаб мажлис кун тартибига киритилган масалалар ва амалга оширилган ишлар юзасидан Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси раиси С.Примбетовнинг ахбороти тингланди.

Мажлисда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартнома доирасида амалга оширилаётган ишлар уч қардош мамлакат халқларининг манфаатларига хизмат қилаётгани таъкидланди. Хусусан, мамлакатлар ички бозорини маҳсулот билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини ошириш, инқирозга учраган корхоналарни халқ учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштириш, республикалардаги турдош корхоналар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Ўзаро манфаатли лойиҳалар ўрганилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси интеграция жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида 2000 йилгача бўлган даврда амалга ошириладиган тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. 1995 йилнинг апрель ойида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Давлатлараро кенгашининг Чимкентда ўтган мажлисида ушбу интеграция дастури ва интеграция лойиҳалари рўйхати асосан маъқулланди. Давлатлараро кенгашнинг ўтган йил 15 декабрда Жамбулда ўтган навбатдаги мажлисида эса ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартнома ва интеграция дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Уч мамлакат ўртасидаги интеграция жараёнининг самарадорлигини оширишда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу банк республикалар манфаатига хизмат қиладиган лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминламоқда. Хусусан, ушбу банкнинг молиявий кўмагида «Қирғиз электромеханика заводи»да ишлаб чиқаришни 30 фоиз оширишга эришилди. Тиббий ускуна ва маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида эса Ўзбекистондаги «Фармасаноат» концерни билан кредит шартномаси имзоланди.

Интеграция жараёнида транспорт, коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ёқилғи-энергетика ва сув заҳираларидан фойдаланиш борасида ҳаракатларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бош Вазирлар Кенгашининг Тошкентдаги мажлисида интеграция жараёнини янада жадаллаштириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди. Мажлис ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Қозоғистон Республикаси Бош вазири А. Кажегелдин ва Қирғизистон Республикаси Бош вазири А.Жумагулов мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида ўндан ортиқ ҳужжатни имзоладилар. Улар орасида самарали юк ҳамда йўловчилар ташувчи транспорт ва коммуникация соҳасида келишиб фолият юритиш, Марказий Осиёдаги ёқилғи-энергетика, сув заҳиралари ва газ қувурларидан фойдаланиш, наркотик моддалар ноқонуний ҳаракатига қарши курашда ҳамкорлик қилиш, «Марказийосиёэлектрон» трансмиллий молия-саноат гуруҳини тузиш, 1995-2000 йилларда ерларни давлатлараро ижарага бериш тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар бор.

Мажлисда Бош Вазирлар Кенгашининг навбатдаги мажлисини шу йил август ойида Алматида ўтказишга келишиб олинди.

Бош Вазирлар Кенгаши мажлисида Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Қ.Ҳаққулов, Р.Гиниятуллин ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

**(ЎзА).**

### *7 АПРЕЛЬ — ГЕОЛОГЛАР КУНИ*

## ХАЗИНА ИЗЛОВЧИЛАР ЮТУҚЛАРИ

Мамлакатимиз геологлари апрель ойининг биринчи якшанба куни ўз касб байрамларини нишонлайдилар. Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасида шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Қўмита раиси Т.Шоёқубов тармоқнинг ўрнак кўрсатган бир гуруҳ меҳнаткашларига «Фахрли кон қидирувчи» нишонини топширди. У мамлакат раҳбарияти республикада хомашё базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга муҳим аҳамият бераётганини таъкидлади. Бундай ғамхўрлик туфайли мустақиллик йилларида тармоқ жадал ривожланди. Лекин ер ости хазиналарини излаб топувчиларга талаб кучайиб бормоқда. Чунки, уларнинг зиммасига масъулиятли вазифалар юкланган.



Тантанали йиғилишда ўтган мавсумнинг асосий якунлари таҳлил этилди. Мавсум умуман муваффақиятли бўлди. Мустақиллик йилларида геологлар, ишлаб чиқарувчилар, олимлар, ўқув юртлари ходимларининг 40 минг кишидан ортиқ жамоаси ўз иқтисодий аҳволини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Хазина изловчилар олдига давлатимизни хомашё билан, айниқса ёқилғи-энергетика ресурслари билан тўла таъминлашдек улкан вазифа қўйилган. Олтин, газ, нефт, рангли металлар, бошқа фойдали бойликларни қазиб чиқаришни кўпайтириш бўйича давлат буюртмалари муваффақиятли бажарилмоқда. Ўнлаб янги конлар саноат миқёсида ўзлаштириш учун топширилди. Мамлакатимиз фойдали қазилма бойликларининг айрим турлари, уларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича жаҳонда олдинги ўринларда туради. Ўзбекистон геологлари қидириб топган конлардан фойдаланиш учун жуда кўп истиқболли лойиҳалар тайёрланган, таниқли хорижий фирмалар билан ўзаро фойдали битимлар тузилган.

Тантанали йиғилишда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Барбара Логан Хей республикамиз геологларини эришилган муваффақиятлар билан самимий табриклади.

Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Қ.Ҳаққулов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЖАМҒАРМА БОШҚАРУВИ МАЖЛИСИ

4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари С.Саидқосимов раислигида халқаро Амир Темур жамғармаси бошқаруви мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ва жамғарма вазифалари ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда академик Б.Аҳмедов жамғарма раиси, К.Шодиев раис ўринбосари — ижрочи директори этиб сайландилар.

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 5 апрелда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

**Сотув ҳажми 67,02 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 37,00 сўм даражасида қайд этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 6 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 28,98 | 1 Норвегия кронаси | 5,78 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,56 | 1 Польша злотийси | 14,26 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 56,60 | 10 Португалия эскудоси | 2,43 |
| 10 Бельгия франки | 12,17 | 1 Сингапур доллари | 26,37 |
| 1 Голландия гульдени | 22,39 | 1000 Туркия лираси | 0,52 |
| 10 Греция драхми | 1,54 | 1 Финляндия маркаси | 8,01 |
| 1 Дания кронаси | 6,48 | 1 Франция франки | 7,34 |
| 1 БАА дирҳами | 10,07 | 1 Швеция кронаси | 5,58 |
| 1 АҚШ доллари | 37,00 | 1 Швейцария франки | 31,04 |
| 1 Миср фунти | 10,89 | 1 ЭКЮ | 46,49 |
| 1 Ирландия фунти | 58,33 | 10 Жанубий Корея вони | 0,47 |
| 1 Исландия кронаси | 0,56 | 10 Япония иенаси | 3,45 |
| 10 Испания песети | 2,99 | 1000 Россия рубли | 7,59 |
| 100 Италия лираси | 2,37 | 1000 Украина карбованеци | 0,20 |
| 1 Канада доллари | 27,27 | 1000 Беларусь рубли | 3,22 |
| 10 Хитой юани | 0,44 | 1 Эстония кронаси | 3,12 |
| 1 Кувайт динори | 123,66 | 1 Латвия лати | 67,40 |
| 100 Ливан фунти | 2,34 | 1 Литва лити | 9,25 |
| 1 Малайзия ринггити | 14,62 | 1 Қозоғистон тенгеси | 0,57 |
| 1 Германия маркаси | 25,00 | | |

***) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

*Ривоят қилишларича, Хумс шаҳрининг ҳокими Умар бин Абдулазизга ёзиб маълум қилдиларки, шаҳарнинг девори вайрон бўлиб, нураб кетган.*

*Халифа жавоб ёзди: «Хумс шаҳрида адолат деворини қуриб, йўлларини зулму ситамдан тозаласанг, ғишт, тош ва ганч деворларга эҳтиёж қолмайди».*




Аслида адолатни зару зебар билан тиклаб бўлмайди, дегани бу. Адолат шундай бир неъматки, у инсон вужудига она сути билан киради ва етмиш икки томир бўйлаб баб-баровар югуради. Ёш боланинг бировни алдаганини, адолатсизлик қилганини кўрганмисиз? У улғая борган сайин катталар ва ҳатто ўз ота-онасининг ноҳақлигини, қинғирликларини кўради ҳамда уларга гоҳида ҳайрат, гоҳида таассуф билан қарайди. Энди унинг қалбида эгрилик ва тўғрилик, адолат ва адоват, диёнат ва жаҳолат жанги бошланади, ҳар иккала уруғ барг ёзади. Инсон гарданидаги лимматур раҳмоний ва лимматуш шайтоний дегани шудир, эҳтимол.

Манфий ва мусбат қутбларга ажралиш ана шу жараёнда кечади.

Адолат деворининг нураши ана шу дақиқадан бошланади.

Бу иллати тушмагур мансаб ва мартабани хўш кўради, турли шакл-шамойилда баланд пиллапоялар бўйлаб, то бир куни юзтубан тушмагунча, югураверади, югураверади. Энг ёмони, ён-атрофини ҳам булғайди. Шу боис юртбошимиз таъкидлайдики, «...оддий фуқаро, аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётганига эътибор беради. Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса, мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади».

Маънавий қашшоқ халқ ҳеч қачон бой бўлмайди, деган башорат чиндир. Ўз ҳуқуқини билмаган, ўз қонунлари кучини англаб етмаган ва тушунишни хоҳламаган инсоннинг шон-шавкати тупроқ билан тенгдир. Халқимизнинг турмуш шароити барқарорлашиб, ҳуқуқий давлатнинг демократик принциплари мустаҳкамланиб бораётган айни бир пайтда иқтисодий ислоҳатларнинг кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлигига путур етказиш учун ўз манфаати ва нафс йўлида жиноятга қўл ураётганлар ҳам бор. Улар баъзан якка, баъзида уюшган ҳолда ҳаракат қилишмоқда. Эл-юрт ризқидан юлиб, гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора дўқ-пўписалар билан оддий одамларни қўрқитиб, чўнтакларини қаппайтирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги масалани кўриб чиқди. Унда мамлакатимизда маданиятли бозор муносабатларини ривожлантиришга суиистеъмолликлар, монополияга қарши қонунларни бузиш, ноҳақ йиғимлар олиш ва товламачилик фактлари, шунингдек, савдо соҳасида йўл қўйилаётган қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар жиддий тўсиқ бўлаётганлиги, бу ўз навбатида иқтисодиётга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига катта зарар етказаётганлиги, маҳсулот етказувчиларни бозорлардан сиқиб чиқараётганлиги таъкидланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъй-ҳаракатлари билан кейинги пайтда бозор тизими ҳар томонлама ўрганилмоқда, товламачиларга, фуқаролардан ноҳақ йиғимлар олиш, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш билан шуғулланувчи бозор маъмуриятининг мансабдор шахсларига, савдо қоидаларини бузаётган ўта юқори нархларни сунъий равишда ушлаб турган олиб-сотарлар аниқланиб, қатъий жазога тортилмоқда. Ушбу назорат ва текширувлардан кейин умумий йиғинлар миқдори 2-2,5 баравар ортмоқда. Кўраяпсизми, қонун амал қилмаган, аниқроғи, қонун ижроси назорат этилмаган жойда ҳар хил иллатлар болалай бошлайди. Бу юқумли касаллик яна пиллапоялар сари ўрмалаб чиқади ва товламачилар учун нафс эшигини кенгроқ очишга имкон яратади.

Маъмурий органларнинг хабар қилишича, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани давлат солиқ инспекцияси назорат-тафтиш бўлими мудирининг муовини И. Топилдиев ўз ваколатидан фойдаланиб, пора олиш билан шуғулланиб келган. Ўрганган кўнгил — ўртанса қўймас, деганлари шу бўлса керакки, нақд пули бўлмагач, порани товар шаклида ҳам қабул қилаверган: кимдандир газмол, кимдандир салқинлантирувчи ичимлик... Ва ниҳоят, фирибгар тумшуғидан илинди ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Таассуфлар бўлсинким, топилдиевлар кам эмас, бир деҳқонни чув тушириб, залолат комига ботаётганлар топилади. Қабул қилинган қарорлар амалда ишлашига эришилмас ва қонунлар ижроси назорат қилиб борилмас экан, бундай иллатлар кўпаяверади. Энг ёмони, адолат деворига путур етади, инсон ҳуқуқлари муҳофазасидаги кишилар орасига ҳам нопоклик оралайди.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг айрим нопок ходимлари ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, жиноятга қўл урмоқдалар, деганида юртбошимиз ҳақ гапни айтган эди ва Хоразм вилоят Кенгаши сессиясида бу борада мисоллар ҳам келтириб ўтди. Тергов ҳамда суд органлари фаолиятидаги бепарволик, масъулиятсизлик фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилишга эътиборсизлик ҳоллари ҳам содир бўлмоқдаки, бу кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Асака шаҳар прокуратурасига фуқаро Д. Ғойипов ўғли Дилмуроднинг нотўғри айбланаётганлиги ҳақида мурожаат қилади. Прокуратура ходимлари судда тўпланган ҳужжатлар билан танишганларида суд Д. Ғойиповнинг маъмурий ишини кўришда республика МЖТКнинг 32-моддаси талабларига риоя қилинмаганлигини аниқлади ва протест киритди. Протест қаноатлантирилди.

Хўш, шу аҳволдан кейин жабрланувчи ва унинг қариндош-уруғларида қандай фикр туғилиши мумкин? Бир инсон тақдири масъулиятсизлик оқибатида бошқа бир ўзанга тушиб қолиши ҳеч гап эмас экан-да. Ёки фуқаро Матлуба Тўхтасинованинг Комсомолобод тумани прокурорига қилган мурожаатига эътибор беринг. Аризада ўғлининг жинояти юзасидан онаси ўзи яшаётган хонадон тинтув қилинганлиги, милиция ходими А. Турғунов келинига тегишли бир дона тилла занжирни олганлиги, лекин протокол жиноят ишига қўшилмай қолганлиги ҳақида хабар қилинади. Текширишда хат муаллифи ҳақ бўлиб чиқди ва қонунига хилоф равишда олинган мулк эгасига қайтарилди. Натижада милиция ходимининг қонунсиз ҳаракати ҳақида тақдимнома киритилди.

Бунданда даҳшатлироқ воқеаларни эшитган газетхонга бу фактлар арзимас туюлиши мумкин. Аммо гап бу ерда жиноятнинг катта-кичиклиги ҳақида эмас, айнан жиноят тўғрисида кетаяпти. Жиноятнинг интиҳоси қанчалик хавфли бўлса, унинг ибтидоси ҳам шунчалик хатарлидир.

Гиёҳвандлик, наркобизнес, нашавандлик каби сўзларнинг ўзиданоқ қўланса бир ҳид келади. Буларнинг бари адолат девори ташқарисида ўсади, йиғиб олинади ва пулланади. Аммо адолат деворининг айрим соқчилари баъзида уни ичкарига ўтказиб юбормоқда, «ўлим гиёҳи» орқали айрим бизнес қилувчиларга йўл очиб бермоқда. Мамлакатимиз Президенти бу турдаги жиноят ўта хатарли эканлиги ва унга қарши оммавий курашиш лозимлиги ҳақида БМТ минбаридан туриб бонг урди. Шуларнинг акс-садоси ўлароқ, бугунги кунда бу жиноятнинг томири қирқилиб бормоқда.

Шунингдек, ўқотар қуроллар ўқдори-ю, портловчи моддалар сотиш билан шуғулланаётган жиноий гуруҳлар ҳам борки, бу ҳам наркобизнеснинг ажралмас қисмидир. Бу икки жиноятнинг аксарияти бир-бири билан бақамти, эгизак ҳолда олиб борилади. Дендропарк воқеасидан ҳам ушбу жиноятларнинг ҳиди келади.

Ўғрилик, кўзбўямачилик, талончилик, рекет каби атамалар кейинги вақтда тилга кўп олинадиган бўлиб қолди. Хўш, бир даврлар инсоф ва диёнат, меҳр ва оқибат, имон ва эътиқод гуллаб яшнаган, шу туфайли номи жаҳонни тутган она Шарқ фарзандлари, ота Туркистон дилбандлари қалбига ёвузлик, куфр қачон уруғ ташлади? Бугунги кунда Россиядаги бир ҳовуч тўралар тағин орзу қилаётган «қизил империя» даврида эмасми? Бир-бирини алдаш, кўзбўямачилик, товламачилик, ўғрилик, босқинчилик ва яна қанча «лик-лик»лар авж олган етмиш йил солган жароҳат излари ҳали тўла битган эмас. Бу жароҳатнинг энг шифобахш муолажаси тафаккур ва дунёқарашни ўзгартириш, истиқлол шуури билан нафас олишдан иборат.

— Устозларимиз судни пирхона дейишарди, — дейди Сирдарё вилояти суди раиси муовини Ш. Ҳақназаров. — Дарҳақиқат, суд бугун одамлар ўйлаганчалик жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи идора сифатида эмас, покиза бир маскан, инсонларга маънавий озуқа берувчи ҳуқуқий дарсхона бўлиши лозим.

Алалхусус, ҳуқуқий давлат ва адолатли демократик жамият ҳеч қачон ўз-ўзидан барпо бўлиб қолмайди. Мақоламиз бошида келтирган ривоятимиздагидек, «қизил империя» деворлари қулади. Энди биз Истиқлол шаҳри деворларига адолат ғиштини қўймоқдамиз, йўлларини зулму ситамдан тозаламоқдамиз. Иншоолло, шунда бизга оддий ғишт, тош ва ганчга ҳожат қолмагай!

**Эсиргап БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг ҳуқуқ масалалари бўйича шарҳловчиси.**

*• Долзарб муаммо*



# ҲИСОРИ ҚЎЙЛАР НЕ БОИС КАМАЙМОҚДА?

***Дунёда қўй кўп, аммо уларнинг бирови ҳам ҳисори қўйга ўхшамайди. Буни қарангки, агар шу қўйларни Фарғона ёки Тошкентда боқсангиз, барибир уларнинг гўшти Сурхондарёдагидек бўлмаскан. Ана шунда «ер билан ернинг фарқи бор, ўттиз икки хил нархи бор», деган гапнинг бекор эмаслигига бироз иқрор бўласиз. Демак, сувда, тупроқда, ҳавода гап кўп экан-да, дейсиз.***

Ҳисори қўйнинг гўштига ўрганган одам ҳатто кийик гўштини ҳам писанд қилмайди. Бунинг устига у қўй йирик бўлади. Бундан кўп йиллар илгари Москвада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўргазмаси бўлар, сурхондарёликлар ҳам ҳар бири 200 кило чиқадиган ҳисори қўйларини олиб борар эдилар.

Аммо ҳозир ундай йирик қўйлар йўқ — майдалашиб бораётир улар. Бултур сурхондарёликлар 1,5 минг тоннадан кўпроқ қўй гўшти тайёрлашди. Ҳар қўйнинг вазни 40 килоданга тўғри келди.

Худди қашқадарёликларга ўхшаб сурхондарёликлар ҳам чорвадор халқ. Бу юртда тоғлар, тоғларда эса минг хил гиёҳ ўсадиган серўт яйловлар кўп. Шунинг учун ҳам бир пайтлар, яъни бундан ўттиз йиллар илгари ҳисори қўйлар шу даражада кўп бўлганки, сурувлар яйловларга сиғмаган.

Аммо кейинги пайтларда, хусусан етмишинчи йиллардан кейин Сурхондарё яйловлари ҳам бўшаб қолди. Айниқса, ҳисори қўйларга қийин бўлди. Чунки юзта қўйдан икки юзтадан қўзи олган чўпон Меҳнат Қаҳрамони бўлди. Қўзи топшириш мусобақасида ўн олтита «Жигули», «Москвич» олган бир чўпонни биламан — умри давомида бирон марта қўйнинг, элнинг, юртнинг ғамини емаган, мақсади кўп қўзи топшириб, давлатни алдаш бўлган. Ана шундай «машъаллар» ҳисори қўйга офат бўлди. Чунки ҳисори совлиқ битта, нари борса иккита қўзилайди. Бундан ташқари, ҳисори қўзининг терисини... совға қилиб ҳам сотиб ҳам бўлмайди. Хуллас, қўзи олиш мусобақаси шу даражада қизиб кетдики, орадан йил ўтиб, ўша қўзилар қани, ·дейдиган одам топилмади.

Шундай қилиб, Сурхондарё яйловларида ҳам қўйлар сийраклашиб бормоқда, дедик. Бир йилда улар вилоят бўйича 28 мингтага камайди. Юртнинг кўрки ҳисобланган ҳисори қўйлар эса 5000 тага камайди.

Нега?

Ўрта бўғин раҳбарлари бунга яйловлар қисқариб бораётганини рўкач қилишади. Яна айтишади: ем йўқ, беда йўқ, арпа йўқ! Аммо бунда сурувларнинг айби не?

**• *Чўпонлик ҳам илм***
**• *Бўшаб қолган яйловлар***
**• *Ёлланган «чўпонча»лар қўлида қолган қўйлар***

Бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабаби: эътибор йўқ.

Ҳозир ҳукумат қарори билан вилоятнинг шимолидаги айрим жамоа хўжаликлари ҳисори қўйчиликка ихтисослаштирилган. Уларнинг вазифаси яхши қўчқорлар етиштириб, бошқа вилоятлардаги чорвадорларга сотишдан иборат. Масалан, «Бойсун» жамоа хўжалиги бултур 1518 та қўчқорни Тошкент, Жиззах, Фарғона вилоятлари чорвадорларига сотди: шу йўл билан республикамизда ҳисори қўйларнинг кўпайишига замин тайёрланмоқда.

Аммо, вилоятда ҳисори қўйларнинг камайиб кетаётганлиги одамнинг кўнглини чўктиради. Ҳозир вилоятда 118 мингта ҳисори қўй бўлса, улар ҳар йили 5000 тадан кўпайиш ўрнига камайиб кетаверса...

Ҳисори қўйчиликка эътибор йўқ, дедик. Бу шу даражада умумий ва бир қарашда юзаки ибораки, жойи келганда унинг баъзи жиҳатларини ойдинлаштириш лозим бўлади.

Биринчидан, қўйнинг макони — яйлов. Ҳозир яйловларга чўпонлар эмас, ўрмон хўжалиги хўжайинлик қилади.

Тақсимот эса манфаат (аслида таъмагирлик дейиш керак) асосига қурилган: текинга яйлов йўқ! Кимнинг қўли очиқ бўлса, яхши яйловлар шуники. Аслида яйловнинг яхши-ёмони бўлмайди. Аммо ҳар йили яйлов алмашаверса, сурувда турли касалликлар кўпаяди ва уни ҳозирги дорилар тақчиллиги «шароити»да даф қилиб бўлмайди.

Иккинчидан, чўпонликни ҳалиям бир... касб деб билишади. Илгари чўпонлар қишда ҳам қўтонда — қўйнинг орасида ухлаган. Ҳозир, ҳукумат илғор чўпонларга шу даражада кўп машина берганки, бош чўпон уйда гўшт қолмаса, «Газ-31» билан қўйнинг бошига боради. Қўй эса мувaққат, яъни ёлланган ёрдамчиларнинг қўлида қолган.

Бизнингча, чўпонлик — илм! Ва бу илм авлоддан-авлодга ўтади. Ҳозир эса дуч келган отар дуч келган одамнинг қўлига тушмоқда. Бир чўпоннинг устидан, айтайлик, солиқ идорасига ариза тушса ҳам дарров ишдан бўшатамиз. Ваҳоланки, бир чўпон йигирма-ўттиз йилда тайёр бўлади.

Учинчидан, ҳисори қўй жойларда ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Илм аҳли чўпонлардан узоқлашиб кетди. Ваҳоланки, илмсиз ҳеч жойга бориб бўлмайди.

... Нима бўлганда ҳам ҳисори қўйлар камайиб бормоқда. Балки, гўшти ширинлиги учун шундай бўлаётгандир...

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Россия матбуотига бир назар*

# «ЧЎЛОҚ, КАР, СОҚОВ ВА БАСИРЛАР ИТТИФОҚИ»

**«Московский комсомолец» газетасида ана шундай сарлавҳали мақола чоп этилди**

***Тўрт мамлакат Бош вазирлари интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида шартномани хурсандликдан юзлари ёниб имзолашди!***

Бу сиёсатчиларнинг хурсандлиги сабабини тушуниш мумкин: журъатсизларни алла қилиб, ҳамма коммунистларга ва халқларга қасдма-қасд ўлароқ бирлашдилар ва гўё ўзларининг манфаатларини сақлаб қолдилар.

Уларнинг таъкидлашларича, бирлашишнинг энг муҳим ютуғи — божхона иттифоқи. Товарлар у ёқдан-бу ёққа эркин ҳаракат қилаверади, пошлина йўқ. Бу яхшими? Агар қаёққа қараб ҳаракат қилишнинг тайини бўлганда, ёмон эмасди!

Президентлар қайта-қайта такрорлаётган яна бир манфаат — ҳаракат эркинлиги. Гўё илгари бизнинг эркин ҳаракат қилишимиз учун нимадир ҳалал бергандек. Ҳозир ҳам кассага бориб билет ол-да, МДҲдаги хоҳлаган мамлакатинга учиб кетавер, ҳеч ким йўлингни тўсмайди. Фақат пулинг бўлса бас.

— Бирлашиш натижаларидан бирини фаҳмлаяпман, — деб ёзади мақола муаллифи, —агар иқтисодиёти ночор, аммо лозим даражада барқарор мамлакат «иқтисодиёт» тушунчасининг ўзи пичинг бўлган бошқа учта мамлакат билан бирлашса, шу уч мамлакат бир оз енгил нафас олиши мумкин эканлигини оддий ҳисоб-китоб орқали тушуниб олиш мумкин. Аммо Россиянинг ўзига бироз қийин бўлади. Негаки, биз тўлаётган солиқлар мункиллаб қолган тўртта иқтисодиётни боқишга кетади.

Европа иттифоқини мисолга олайлик. Унда ҳамма аъзо мамлакатлар тахминан бир хил ва бунинг устига яхшигина ривожланган даражада. Чўлоқ, кар, соқов ва басирлар иттифоқини эса росмана «паҳлавон» деб бўлмайди. Улар аввал хасталикдан фориғ бўлиб олишганда ёмон бўлмасди, деб ёзади «Московский комсомолец» газетаси. Хуллас, «Хўш, бу янги ҳамжамият МДҲдан нимаси билан фарқ қилади? Дарвоқе, фарқ қиладими, ёки йўқми?» деган саволлар кейинги пайтларда сайловчиларнинг оғзидан тушмай қолди...

# «ҲЕЧ НАРСА БИЛАН ФАРҚ ҚИЛМАЙДИ»

**дея ҳисоблайди «Независимая» газета**

***Ҳамкорлик бутунлай ясамага чиқиб қолишини истамайдиган давлатларнинг президентлари шартномани шунчаки имзолайдилар, холос.***

Москва вақтинчалик фойдани, ҳеч бўлмаганда «ерларнинг тўпланиши» дан келадиган қандайдир ютуқларнинг сайловлар олдидан Ельцин ҳисобига қўшилишини кутмоқда.

Аммо бирмунча истиқболли мўлжаллар ҳам бор. Европа ҳукуматларининг ўзларига нисбатан муносабатларини жадал шакллантириш мақсадида Кремлдаги раҳбарлар учун Евроосиё темир йўлларидаги транзитни ишончли назорат остига олишлари керак бўлади.

Бироқ Белорусни Кремлнинг империявий сиёсатининг нақд қурбони, деб ўйлаш керак эмас. Кремль унга ўз таъсирини мамлакат иқтисодиётига қуйилиб турган яхшигина тушумлар ҳисобидан қопламоқчи. Қарабсизки, давлатлараро янги органларнинг тузилиши, Белорус бюджети эмас балки, бизнинг бюджетимиз ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Бинобарин, Россиянинг яна донорлик хизматини ўташига тўғри келади.



Қарши шаҳридаги техник лицейида 692 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Бу масканда ўқувчилар авточилангарлик, токарлик, дурадгорлик, котибалик, электр ҳисоблаш машиналари операторлиги, уй жиҳозларини таъмирлаш чилангарлиги касбларни пухта эгаллаяптилар.

Суратда: ўқитувчи Ф. Вапаева талаба З. Ҳақбердиевага касб сирларини ўргатаяпти.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

*• Таниш башаралар*

# СОБИҚЛАР ҲАЛҚАСИ

***Россия сиёсий ҳаётида яна собиқларга сон тегди. Михаил Горбачев, Анатолий Лукьянов, Николай Рижковнинг ҳаммага таниш башаралари яна кунда-кунаро телеэкранда намоён бўла бошлади. Собиқлар бир-бирларининг номларини нафратланиб тилга олишади, бироқ собиқ СССРни қайта тиклаш мақсадида сиёсий майдонда астойдил кураш бошлаганликлари ҳақида бир оҳангда жўр бўлишиб тўтиқушдек сайрашади.***

Собиқлар Россиянинг ҳозирги ҳукуматини Чеченистондаги беҳуда қон тўкишлар учун, дўконлардаги қимматчилик ҳамда ҳаётда қонунларга амал қилмасликда тинимсиз айблашади, ўзларини эса рус бўлмаган халқларнинг меҳрибон ҳомийси, тўкин-сочинлик тимсоли, конституция ва қонунлар ҳимоячиси, деб билишади. Бу қандай мунофиқлик!

Келинг, яхшиси, собиқ империя ҳукмронлиги пайтида Михаил Горбачев коммунистик партия йўлбошчиси бўлган, Николай Рижков ҳукуматга раислик қилган, Анатолий Лукьянов парламентни бошқарган даврни бир эслайлик. Горбачев ўзининг сайловолди сафсатасини бошлар экан, Чеченистонга алоҳида урғу беряпти. Гуноҳсиз одамларнинг қони тўкилганлигидан жуда ачиниб, ҳукуматнинг бу борадаги сиёсатини аёвсиз танқид қиляпти. Унинг гапларини эшитган одамда шубҳа пайдо бўлади: ҳалок бўлаётган чеченлар наҳотки унинг юрак-бағрини эзиб юбораётган бўлса?! Ахир бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиш у йўлбошчилик қилган даврда бошланмадими? Алмати марказидаги майдонни эсланг. Бегуноҳ ёшлар биринчи бўлиб ўша ерда ўққа тутилди. Қозоғистонга раҳбарлик қилишга битта ҳам қозоқ топилмадими, деб кўчага чиққан ёшлар отилди. Кейин даҳшатлиси юз берди. Бокуда ва Тбилисида намойишга чиққан хотин-халаж, бола-чақа танклар билан эзиб ташланди. Гуноҳсиз одамларни отиш, осиш, халқлар ўртасида хунрезликни ташкил этиш тажрибаси кейинчалик яна даҳшатлироқ кўринишда Фарғона, Қўқон ва Ўзганда қўлланилди. Сунъий равишда ташкил қилинган Қорабоғ можароси минглаб бегуноҳнинг ёстиғини қуритди ва икки қўшни халқ ўртасида жанжал уруғини сочувчи манба бўлиб қолди. Кейин Вильнюс фожиаси юз берди. Хуллас, пухта ишлаб чиқилган режа асосида Кавказ, Болтиқбўйи, Ўрта Осиё минтақаларида бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиш ҳисобига пойдевори дарз кетган империяни сақлаб қолиш бўйича фитна санъати синовдан ўтказилди. Бу пайтда барча мустамлака халқларга Горбачев йўлбошчилик қиларди. Бироқ ҳар сафар бегуноҳ одамларнинг қони тўкилганида «хабарим йўқ», «мен ҳам оммавий ахборот воситаларидан эшитдим», «буйруқ бермаганман», деб жойида миқ этмай ўтиравера эди. Ана шуларнинг ҳаммасини унутиб, бугун мунофиқлик билан чеченлар тақдири ҳақида қайғураётган бу арбоб яна барча халқларга йўлбошчилик ва ҳомийлик қилмоқчи. У Кремлдаги мансаб креслосига ўтириши биланоқ «ихтиёрий» равишда собиқ СССРни тиклашга ваъда беряпти. Эҳтимол фитна санъатининг ҳали синовдан ўтмаган янги дастурларини ишлаб чиққандир.

Тўғриси, бугун Россиядаги сайловолди жазаваси ҳамма нарсани алғов-далғов қилиб юборди. Ким демократ, ким либерал, ким коммунист, ким фашист — фарқлаш қийин бўлиб қолди. Лекин бир нарса аниқ — собиқ империяни тиклашни ваъда қилиш модага кириб қолди. Асосий номзодлар қолиб, уларнинг номидан ваъда берувчилар кўпайиб кетди. Ҳар бири карнай ўзимники деб, ўнгу сўлга қарамай ваъдабозлик қиляпти. Ҳозир миллатчи Владимир Жириновскийнинг қизиғи қолмади. У бор-йўғи Калининграддан Камчаткагача, Шимолий муз океанидан Ҳинд океанигача бўлган ҳудудни эгаллаб, ҳамманиароққа кўмиб юборишни ваъда қилган бўлса, бир пайтлар собиқ империя ҳукуматини бошқариб турганида бир кечада нархни бир неча баравар ошириб бутун дўконларни шипшийдон қилган Николай Рижков империя тиклангач, бир кечада мўъжиза кўрсатиб ҳаммаёқда тўкинчилик ва арзончилик қилмоқчи. Бир пайтлар мўътабар минбарда ўтириб «бир пақир қулупнай учун пичоқлашган» ўзбек-у месхети турклари, «бир қарич ерга талашиб хунрезлик қилишган» ўзбек-у қирғизлар устидан масхараомуз кулган Анатолий Лукьянов бўлса, қандайдир конфедерация ҳақида гапириб пастлик қилиб ўтирибди-я, Собиқ империянинг бош мафкурачиси бўлган Егор Лигачевга қойил қолиш керак, у коммунистлар ҳокимият тепасига келгач, ҳеч кимдан ҳеч нарсани сўраб ўтирмай собиқ мустамлака халқларни ва давлатларни шартта бирлаштириб қўймоқчи. Умрида эътиқод нималигини билмаган Геннадий Зюганов эса майдалашиб ўтирмасдан собиқ империя ҳудудида христианлик билан буддизмдан бошқа динларни «қисқартириб» юбормоқчи. Афсуски, доҳийси Владимир Ильичдан ибрат олмабди. У «зот» умуман ер юзида барча динларни йўқ қилмоқчи эди. Зюгановнинг турли баёнотлар билан чиқиб, зиммасига катта масъулиятлар олаётганлигига сабаб шуки, унинг орқасида собиқлар турибди. У президентлик учун курашда асосан собиқларга таяняпти.

Эҳ, собиқлар, собиқлар!.. Гоҳ бир-бирингизни «сотқин», «хоин», «мунофиқ», «хорижнинг айғоқчиси» дея айблайсиз, гоҳ бир-бирингизни маъқуллаб оғиз-бурун ўпишасиз. Гоҳ байналмилалчи бўлиб кам сонли халқлар тақдири тўғрисида сафсата сотасиз, гоҳ ўтмишдаги қонхўр ҳукмдорларингиз босиб олган ҳудудларни қўмсаб йиғи-сиғи қиласиз. Сайлов баҳона мунофиқона қиёфаларингиз янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Ишончимиз комилки, собиқ империя занжирини яна битта халқага бирлаштириш йўлида вақтинча оғиз-бурун ўпишишингиз мумкин. Бироқ кейин яна мансаб талашиб муштлашишингиз тайин. Мустақил давлатларни яна қўшиб олиш, эрксевар халқларни яна занжирбанд қилиш ҳақидаги тушингизни эса сувга айтинг, жаноблар, э-ҳа, кечирасиз, ўртоқлар.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

